



## “O'ZBEKISTON TEMIR YO'LLARI” DAVLAT AKSIYADORLIK TEMIR YO'L KOMPANYASI

### BUYRUQ

2015 йил 03.04.

TOSHKENT

№2494

#### “Таркибий бўлинмалар номланишини қонун талабларига мувофиқлаштириш тўғрисида”

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4720-сонли Фармони ҳамда “Ўзбекистон темир йўллари” ДАТК Кенгаши ва ягона акциядорининг 2015 йил 30 апрелдаги 59-сонли кўшма йигилиши қарорига мувофик, таркибий бўлинмалар номланишини қонун талабларига мувофиқлаштириш мақсадида буюраман:

1. “Ўзбекистон темир йўллари” ДАТК Кенгаши ва ягона акциядорининг 2015 йил 30 апрелдаги 59-сонли кўшма йигилиши қарорига асосан “O'zbekiston temir yo'llari” DATK номи “O'zbekiston temir yo'llari” aksiyadorlik jamiyatiga ўзгартирилганлигини ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2015 йил 28 майда давлат рўйхатидан ўтказилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Барча бошқарма, департамент, дирекция, марказ, корхона ва бошқа таркибий бўлинмалар раҳбарлари томонидан мазкур буйруқнинг биринчи бандида кўрсатилган ўзгаришларни инобатга олиб, қисқа муддатда, бир ойлик муддатдан кечиктирмасдан, ўз номига, бланкаларига, муҳрларига, штапмларига, шунингдек таъсис ва бошқа ҳужжатларга ўзгаришлар киритишни таъминласин.

3. Ахборот хизмати раҳбари М.И.Муротов томонидан юкоридаги қонун ҳужжатлари ва мазкур буйруқнинг биринчи бандида кўрсатилган ўзгаришларни матбуотда эълон қилиниши ва оммавий ахборот воситалари орқали кенг жамоатчиликка етказилишини таъминласин. .

4. Молия ва бухгалтерия ҳисботи бошқармаси бошлиғи Н.Э. Бабахалов ва Йқтисодий таҳдил ва прогнозлаштириш бошқармаси бошлиғи Д.В. Шукуров мазкур буйруқ бўйича ўз ваколатларига кирадиган барча масалаларни ҳал этсинлар.

5. Ушбу буйруқни ижроси устидан назорат қилишни ўз зиммамда колдираман.

Бошқарув раиси в.б.

Д.Т.Деканов